

Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари (иккинчи мақола)



19:29 / 19.10.2019 3529

Ҳомиланинг жисмоний ва руҳий толиқишларсиз, яхши ривожланиб боришини таъминлаш.

Ҳомила ҳар тарафлама яхши ўсиб бориши учун унинг онасини жисмоний ва руҳий жиҳатдан толиқтириб қўймасликка шариатда катта эътибор берилган. Бу эътибор шу даражага етганки, ҳатто Аллоҳ фарз қилган ва Исломнинг рукнларидан бири бўлган рўзани ҳомиладор аёллар тутмасдан, кейин қазосини тутиб бериши жоизлиги шариатга киритилган. Чунки ҳомиладор аёл рўза тутса, унинг толиқиши орқали ҳомиласининг ҳам толиқиши бор. Шунинг учун ҳомилани толиқтирмаслик мақсадида унинг онасига рўза тутмасликка рухсат берилган.

Икки Шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

أَمْ وَآهَاتَلَّتْ قَفْرَ حَبِيبِ خُالِ أُمِّهِ إِذْ حَبِيبٌ لَيْدٌ نَمْرَاتُ أَرْمَاتِ تَلَّتْ قَا: لَأَقُؤْ عَو
عَيْدٌ نَأَى ضَقَفَ مَلَسُو هَلْ لَعَلَّ لَصْرَهُ لَلِ لَأُؤَسَّرَ لِي أَوْ مَصَّتْ خَافَ، أَوْ نَطَبَ يَفِ
نَمَّوْ أَدَلَّوْ أَدَثَّرَوَّوْ، أَوْ تَلَّقَاعَ لَعَلَّ أَرْمَلِ يَدِبُ يَضَقُّوْ، أَدَيْلُوْ وَأُذْبَعُؤْ رَغُؤْ هَوْنِي نَجِ
الْوَبْرَشِ أَلْ نَمُّؤْ عَأْفِيكَ، هَلْ لَلِ لَأُؤَسَّرَ أَيُّؤْ لِي دُؤْ لَلِ عَغَبُؤْ لَلِ أُنْبُؤْ لَمَحَلَّ أَوْ فِ، مُمَّعَمِ
هَلْ لَعَلَّ لَصْرَهُ لَلِ لَأُؤَسَّرَ لَأَقَوْ فِ: لَطِيئَتِ لَدُؤْ لَمَفَّ لَعَثُؤْ سَا أَلْوَقَطْنِ أَلْوَلَّكَ أ
ؤَسْمُؤْ لَلِ أَمُّؤْ أَوْرَ عَجَسَ يَدُّؤْ لَعَجَسَ لَجَّؤْ نَمْرَاتُؤْ لَلِ نَأُؤْخِؤْ نَمَّؤْ أَدَهْ أَمُّؤْ نِ: مَلَسُو

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Хузайллик икки аёл уришдилар. Улардан бири иккинчисини тош билан уриб, ўзини ҳам, қорнидаги боласини ҳам ўлдириб қўйди. Сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига хусуматлашиб келишди. Шунда у зот ҳомиланинг хуни бир эркак ёки аёл қул экани ва аёлнинг ўзининг хуни жинойатчи аёлнинг ота томонидаги эркак қариндошларига бўлиши ҳақида ҳукм қилдилар. Ўлган аёлнинг мероси боласига ва бошқа меросхўрларига бўлишини айтдилар.

Ҳамал ибн Нобиға ал-Ҳузалий:

«Ё Расулаллоҳ, қандай қилиб ичмаган-емаган, нутқ қилмаган ва овоз чиқармаган жонзотнинг хунини тўлайман? Бунга ўхшашларнинг қони тўкилаверади», – деди.

Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, манави коҳинларнинг биродарларидандир», – дедилар. Қофияли гапиргани учун».

Иккисини бешовлари ривоят қилганлар.

Шариатимизда ҳомилани олдириб ташлаш мутлақо мумкин эмаслиги ҳаммага маълум. Чунки ҳомилага тўла-тўқис инсондек қаралади. Бу иш, яъни ҳомилани олдириш жоҳилият давридаги қизларни тириклай кўмишга тенглаштирилади. Фақат истисно қилинган ҳолатлардагина ҳомилани олдиришга рухсат берилган.

(Тамом)

«Бахтиёр оила» китобидан